



Қолган учта суворий ортдан ўз қиличлари билан шерга кўп зарба беришди.

Шер бўлак – бўлак бўлиб кетди.

Шунда дарахтга чиқиб кетган Брахманнинг ўғиллари пастга тушиб келишди.

Брахманнинг ўғиллари суворийларга қайта – қайта раҳмат айтишди. Агар улар келишмаганида ким билади қачонгача дарахтнинг устида ўтиришларига тўғри келар эди. Улар шерга овқат бўлишлари ҳам мумкин эди.

Суворийларга раҳмат айтгач бир Брахман ўғли деди – “Сизлар бу ерга қандай келиб қолдингиз, айтингчи”

Бир суворий деди – “Эй, Брахман ўғиллари, тўсатдан рожанинг қизи оламдан ўтиб қолди. Биз рожанинг буйруғига биноан сизларни чақирishга келаётган эдик. Бахтимизга сизларни шу ерда учратдик. Энди сизлар биз билан юринг. ”

– “Кетдик.”

Тўрт Брахман ўғиллари суворийлар билан бирга рожанинг қизини тирилтиришга йўл олишди. Аммо...

Бетал сўради – “ Энди айтчи Викрам, тўртталаси орасидан энг аҳмоғи қайси бири эди?”

Викрам бир пас ўйлагач жавоб берди – “Шерга жон киргазган.”



## ҲИНДИСТОН АДАБИЁТИДА КИЧИК НАСРИЙ ЖАНРЛАР РИВОЖИ

**ХОДЖАЕВА ТАМАРА**

*филология фанлари номзоди. доцент, ТДШУ*

**Аннотация.** Мақолада XX асрда кичик насрий жанр — “рекхачитр” (тасвир) жанрининг ривожини, хусусиятлари ва тутган ўрни илк бор кузатишда ҳамда ҳиндий ва панджоб адабиёти вакиллари мисолида ўрганилган.

“Рекхачитр” (тасвир) жанри деярли ўрганилмаган мавзу, бу ҳақда айрим адабиётшунос олимларнинг фикрлари мавжуд, бироқ у илмий тадқиқот объекти сифатида ҳали кенг миқёсда ўрганилмаган. Ушбу мақолада ҳинд адабиётшунос олимлари, “рекхачитр” (тасвир) жанрида ижод қилган адибларнинг асарлари мисолида масалага бироз ойдинлик киритишга ҳаракат қилинган.

“Рекхачитр” (тасвир) жанри XX аср кичик насрий жанри сифатида бир қанча адиблар ижодидан ўрин олган. Ушбу масалани ўрганишда рус ҳиндишуносларидан, хусусан, Чельшев Е.П., Сенкевич А.П., Утехин Н.П., шунингдек, ҳинд адабиётшуносларидан Махендра Кумар Дхингра., Лакишисагар Варшайя, Нагендра ва В. Трипатхилар тадқиқотларида баён этилган фикрларга таянилди.

**Таянч сўз ва иборалар:** Очерк, кўриниш, эссе, дунёқараиш, образлик, ўткир зеҳн, чуқур таҳлил, бетарафлик, шакл ва мазмун, матбуот, юрак олови.

**Аннотация.** В статье рассматривается появление, формирование и развитие таких малых прозаических жанров в литературе хинди и панджаби как зарисовка («рекхачитра»), их отличительные черты, особенности и роль в литературе.

Жанр «Рекхачитра» (изображение) - фактически неизученный жанр в отечественной индологии. Есть мнения некоторых русских индологов, таких как Е.П. Чельшева, А.П. Сенкевича и Н.П. Утехина. В статье также приводятся мнения некоторых литературоведов хинди, в частности,



Махендра Кумар Дхингра, Лахимисагар Варшайя, Нагендры и В. Трипатхи по этому жанру. Сделана попытка пролить свет на эту тему на примере произведений писателей в жанре «рекхачитр» (изображение).

**Опорные слова и выражения:** Очерк, зарисовка, эссе, мировоззрение, образность, острый взгляд, глубокий анализ, нейтральность, содержание и форма, пресса, огонь сердца, ижодий тахайюл, ўткир зеҳн ва мантиқий тафаккур.

**Abstract.** In The article examines the emergence, formation and development of such small prose genres in Hindi and Punjabi literature as a sketch ("rekhachitra"), their distinctive features, features and role in literature.

The Rekchachitra (image) genre is a virtually unexplored genre in Russian Indology. There are opinions of some Russian Indologists, such as E.P. Chelysheva, A.P. Senkevich and N.P. Utekina. The article also cites the opinion of some Hindi literary scholars, in particular, Mahendra Kumar Dhingra, Lakshmisagar Varshaya, Nagendra and V. Tripathi on this genre.

An attempt is made to shed light on this topic using the example of the works of writers in the genre of "rekchachitra" (image).

**Keywords and expressions:** Article, story, different, essay, to introduce, to present, form and fiction, view point, artificiality, deep study.

Кириш. Ҳинди адабиётида XX аср насри алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу даврда наср анчагина ривожланди айниқса, кичик насрий жанрлардан бўлган “рекхачитр” (тасвир) жанри кўпгина ёзувчиларнинг ижод маҳсули бўлди. Кичик насрий жанрнинг ривожланишига асосий сабаблардан бири давр муаммоларини тез ва қисқа тасвирлар ва улардаги образлар орқали оммага етказиш, бу муаммоларнинг ечимига йўл кўрсатиш, айрим ҳолларда қаттиқ танқид остига олиш кабилар айти шу жанрда кучли акс этган ва шу боис тасвир жанри XX аср ҳинд жамияти ҳақида ўзига хос тасаввур берувчи жанр сифатида баҳоланади. Мақолада айти шу масалаларга катта ўрин берилган.

Мақсад ва вазифалар: Мақолада ҳинди адабиётида XX асрда ўз ривожини топган кичик насрий жанрлар, хусусан, “рекхачитр” (тасвир) жанри масаласи ҳақида изланишлар олиб борилди.

Усуллар: Мақолада таҳлил, герменевтик таҳлил, қисман қиёсий таҳлил, тарихий ёндошув каби усуллардан фойдаланилган.

Натижалар ва мулоҳаза: Мақолада XX аср ҳинди адабиётидаги кичик жанрлардан бўлган “рекхачитр” (тасвир) жанрининг тараққиёт даври, унинг ички олами, шу жанрда ижод қилган адиблар ва уларнинг асарлари, “рекхачитр” (тасвир) жанрининг ўзига хос жиҳатлари ва мавзулар кўлами, ундаги образлар ҳақида ҳулосалар берилади.

Ҳиндий тилидаги исталган кичик насрий жанр, жумладан, ҳикоя, очерк ёки кўриниш (рекхачитра) ни яхлит адабий жараёндан, яъни узвий қисмини ушбу жанрларда яратилган асарлар ташкил қиладиган маданий, ижтимоий муҳитдан айро тавсифлаш мумкин эмас.

Бу фикрнинг асослилигини таниқли адабиётшунос Е.П. Чельшев ҳам қуйидагича эътироф этади: «Ҳиндий адабиётидаги у ёки бу асарни тўғри англаш ва муносиб баҳолаш учун мазкур асарни умумий ҳинд адабий анъаналари, адабий оқим ва йўналишларнинг тараққиёт тарихи, ёзувчининг дунёқараши, ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлиқликда кўриб чиқиш лозим» .

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Ҳиндистон бадий адабиёти «тарихий даврни тобора муваффақиятли илғаб олар, жамият тарихининг ўтиш даврида туғилган янги характерларни акс эттирар, тараққиётнинг ижтимоий тамойилларини тадқиқ этар экан, у тез-тез публици-



тика билан бирлашиб кетар эди» шу тариқа, бир-бирига яқин бўлган ёндош (бадий-публицистик) тур шакллана бошлади. МДХ ва россиялик олимларнинг айрим ишларида очерк, кўриниш, кундалик, қайдлар ва бошқалар «бадий-хужжатли жанрлар» деб номланган.

Бадий хужжатли турнинг туғилиши ҳақида гапирганда, унинг ҳиндий тилидаги оммавий ахборот воситаларининг тараққиёти билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлаш жоиз. Айнан уларда турли жанрларда ёзилган бу типдаги илк асарлар пайдо бўлди ва улардан энг саралари кейинчалик унинг «олтин заҳираси»ни ташкил этди. Ёзувчиларнинг ватанпарварлик руҳидаги газета, адабий журнал ва альманахлар билан ҳамкорлиги бу жанрларни зиёлиларнинг кенг доирасида эътироф этилишига сабаб бўлди. Биринчидан, илғор демократик фикрловчи адабиётшунослар кўп минг сонли аудиторияга чиқиш ва бу орқали мамлакат тарихидаги муҳим воқеаларга тезкорлик билан ўз вақтида муносабат билдириш, жамиятнинг энг муҳим муаммолари ҳақидаги ўз фикрларини баён қилиш имкониятига эга бўлдилар. Иккинчидан, бадий публицистика доирасидаги янги шакл ва мазмун борасидаги барча изланишлар кўпсонли омма нигоҳида синовдан ўтиб, муштарийлар томонидан қўллаб-қувватланар ёки ишни такомиллаштириш таклифи билдирилар эди. Бир сўз билан айтганда, халқ ва кичик жанр усталарининг ҳамкорликдаги ижоди муҳим аҳамият касб этди. Нима бўлишидан қатъий назар адабиётнинг бу янги тури ўзининг шаклланиш жараёнида ўқувчилар оммасини бефарқ қолдирмади ва бундай муваффақиятининг сабаби, балки янги жанрлар—ҳинд тилидаги ҳикоя, очерк, кўринишлар давр талабига ҳозиржавоб бўлганлигидадир. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, ҳинд адабиётида баъзи жанрларнинг пайдо бўлганига унчалнк кўп вақт бўлгани йўқ ва, шу сабабли, уларни мустақил жанр сифатида тан олинishi ва тадқиқ этилиши учун маълум бнр вақт талаб этилади. Ўтиборлиси шундаки, бу жанрлар кенг оммалашган ва салмоқли назарий асосга эга бўлган ҳикоя жанридан фарқли ўлароқ, қисқа ҳикоя билан умумий жиҳатлари кўп бўлган кўриниш жанри ҳинд танқидчилари ишида кўп эслаб ўтилган. МДХ давлатлари ҳиндшунослари ишларида эса бу жанр ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Шу муносабат билан ҳинд насрида кўринишнинг жанр сифатидаги аҳамияти ва унинг ҳикоя ва очерк сингари бошқа жанрлар билан таққослаганлар вазифаси ва ўрнини аниқлаш масаласининг кўндаланг қўйилиши мантиқан тўғри бўлади. Ҳикоя, кўриниш ва очерк жанрларининг чегарасини аниқлашга бўлган дастлабки уриниш Шивадансинх Чауханнинг «Ҳинд адабиёти тарихи очерки»(1961 й.) китобида кузатилади, кейинчалик бу муаммо Омпракаш Синхалнинг «Насрда янги тамойиллар» (1981 й.) китобида нисбатан тўлақонли ёритилади. Бу асарда ҳикоя, очерк ва кўринишларнинг мустақил жанрлар сифатидаги белгилари кўриб чиқилади. Бу борада М.К. Дхингранинг ишлари ҳам катта қизиқиш уйғотади. Таъкидлаш жоизки, бу иш ҳам фундаментал характердаги тадқиқотга даъво қила олмайди ва унда ҳам замонавий ҳинд кичик насрининг тараққиётини кузатиш жараёнида олинган илмий маълумотларни таснифлаш мақсад қилинмаган.

«Сўзсиз, маълум давр ўтиши билан, янги жанрлар ва уларнинг кўринишлари баралла овоз билан ўз қодирлигини, насрнинг умумий оқимида мустақил ва тенг ҳуқуқли равишда мавжудлигини эълон қилса, бу янгиликларнинг, гарчи шартли бўлса-да, кўпчилик адабиётшунослар томонидан тан олинган ягона таснифи ҳам пайдо бўлади. Бундай турнинг илмий ишланмаси «фавқулудда хилма-хил, динамик тараққий этаётган манзара... адабий жараёни ғоявий-эстетик турли туманлиги билан тушуниш»ни талаб қиладиган ҳинд адабиётининг жанр структурасини деталаргача кўриб чиқиш имконини беради».



Бадий публицистик тур ўзида турли шакл ва мазмундаги жанрлар: мемуарлар, очерк, таржимаи ҳол, кундалик ва бошқаларни ўзида мужассам этганлиги сабабли, табиийки, мунтазам шаклий изланишлардан иборат жараёнлар билан белгиланадиган турли ўзгаришларга мойилдир. Бу ва унинг хиллари, бошқа адабий турлар сингари ҳинд олим ва танқидчиларининг диққат-эътиборида, бироқ бу ҳодисанинг назарий асосининг бошқа кенг ўрганиладиган адабий турларга қиёслаганда илмий-назарий тадқиқ ва таҳлил этилиши жоиз жиҳатлари анчагина. Бошқача айтганда, бу турдаги жанр ва хилларнинг тадқиқи бағишланган ишлар ҳозирча тўлақонлилиги, исботланганлиги ва аниқлиги билан ажралиб турмайди.

Бу адабий тур назариясининг асосчилари сифатида ҳақли равишда Банарсидас Чатурведи, Омпракаш Синхал, Жайнендра Кумар, Доктор Нагендра, Рамврикша Банипури, Пракашчандра Гупта, Вишванатх Прасад Мишра ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин. МДХ давлатларига келсак, бу муаммо махсус тадқиқот предмети сифатида қаралмаган ва россиялик ҳиндшуносларнинг ишларида бу масала четлаб ўтилган.

Кўриниш (рекхачитра) жанр сифатида ҳинд адабиётида ҳикоя жанридан бирмунча кечроқ пайдо бўлган. Тараққиётининг дастлабки йилларида кўриниш алоҳида мустақил жанр сифатида қаралмаган. Уни ҳикоя, очерк ва насрнинг шунга ўхшаш турдош жанрларига киритишган. Табиийки, бунинг сабаби, у пайтда кўринишнинг ўзига хос белгилари ишлаб чиқилмаган, ҳинд адабиётидаги бошқа бадий публицистик ёндош жанрлар сингари у ўзини тамомила янги хусусиятга эга ҳодиса сифатида намоён қилмаган эди. Орадан ўн йилларча ўтиб танқидчилар кўринишга бошқа кичик насрий жанрлардан алоҳида ҳодиса сифатида қарай бошладилар. «Кўриниш ҳикоядан фарқ қилади. У замонавий журналларда кўплаб чоп этилади. Уни «сўз орқали ифодаланган манзара» деб атай бошладилар. Унда кутилмаган ҳодиса йўқ». Натижада очерк, эссе ва кўриниш ҳақида илк тадқиқотлар яратила бошланди.

Жанрнинг биринчи намуналари «Ханс» («Ғоз») ва «Мадхукар» («Асалари») журналларида чоп этилди. Мазкур журналларнинг саҳифаларида ёндош жанрларнинг деярли барчаси: мемуарлар —«сансмаран», биография «атмакатха», кундалик —«дайри» ва бошқаларнинг барчасидан намуналар нашр этилди. Бу турнинг туғилиши ибтидосида Банарсидас Чатурведи, Омпракаш Синхал, Жайнендра Кумар, Нагендра, Рамврикш Банипури, Пракашчандра Гупта, Вишванатх Прасад Мишра ва бошқа етук адабиётшунослар турарди. Айнан бу олимларнинг ишларида кўринишга бирор-бир инсонга, қандайдир предметга, ҳодисага, воқеага ва бошқаларга муносабат билдириладиган алоҳида асар сифатида таъриф берилди.

«Кўринишда муаллиф ўз дунёқараши нуқтаи назаридан келиб чиқиб қандайдир шахсият ёки у билан боғлиқ манзарани тақдим қилади». «Ҳинд адабиётида Ж. Прасад, Ш. Шарма, Б.Чатурведи, М.А. Каосальян, М. Варма ва бошқалар кўринишнинг гўзал намуналарини яратдилар». Кўринишнинг моҳиятини тўлиқ тушуниш учун бу жанрни ташкил этувчи ҳамда унга ўзига хослик бағишловчи унсурларни назардан четда қолдирмаслик лозим бўлади. Кўринишнинг тўрт асосий унсурини алоҳида қайд этиш керак.

Кўринишнинг биринчи зарурий унсури образлилик бўлиб, у кўринишнинг асосий белгиси сифатида намоён бўлади. Кўринишнинг мақсади муаллифнинг ниятини имкони борича китобхонга тўлиқ етказиш. Табиийки, бунинг учун барча тил воситаларини батафсил эгаллаш лозим. Бироқ тил воситаларини ҳар томонлама эгаллаш орқали ёзувчи ижодий ниятини образли беришнинг ўзи ютуқни таъминлаш учун кифоя қилмайди. Шу сабабли, иккинчи ўринда, ижодий тахайюл, ўткир зеҳн ва мантикий тафаккур талаб этилади. Булар ёзувчига бирор-бир предмет ёки тирик жонзот, ҳодисанинг тугалланган образини ҳаёлан тасаввур қилиш ва келгусида сўз шаклига солиш учун зарур. Учинчидан,



агар ёзувчи ўзининг баён қилаётганларининг моҳиятини чуқур таҳлил қилиш қобилиятини намоён қила билсагина муваффақиятга имконият янада ортади.

Бутунлик — кўринишнинг асосий унсурларидан бири бўлиб, бунда ёзувчи асосий мавзудан четга чиқмайди. Шу сабабли, кўринишда ранг-баранглик бўлмайди ва муаллифнинг диққати асосий ғояга қаратилган бўлади. Нагендрнинг таъбири билан айтганда «бутунлик кўринишнинг моҳияти билан белгиланади». Сўнгра муаллиф тасвирланаётган нарсанинг режага асосланганлиги ва сюжет ривожининг йўқлиги ҳақида гапиради.

Бетарафлик (нейтраллик) — кўринишнинг яна бир муҳим унсурларидан бири бўлиб, унинг дифференциацияланиши учун етарли асос бўлиб хизмат қилади. Кўринишда ёзувчи баён қилинаётган мавзуга нисбатан ўз муносабатини очиқ билдириш ва ўз номидан гапириш ҳуқуқига эга эмас. Умуман, бетарафлик тушунчаси, муаллиф ўзини субъектив қарашларидан ажрата олса (изоляция қилса) у ҳолда у ёки бу тарзда ижод жараёнига таъсир ўтказиши мумкин; бунда ўйланган барча нарсаларнинг нюанслари (нозик фарқлари) нинг ҳолис баёни кенг қамровли ва ҳаққоний манзаранинг яратилишига сабабчи бўлади.

Қисқалик кўринишнинг шаклини белгиловчи унсурлардан яна бири бўлиб, муаллифдан ўз ниятини сиқик, қисқа шаклда бериш йўллари излашни талаб қилади. Бироқ кўринишга хос бу қисқалик, сиқикликнинг асл моҳиятини танқидчилар тил хусусиятларида кўрадилар. Кўринишда баён ва изоҳлар жуда кам. Бироқ бу фикрга қарши ўлароқ Р. Бенипури ва Пракашчандра Гуптанинг асарларида бу унсурлар мавжуд.

Демак, кўриб ўтганимиздек, кўриниш бошқа жанрлардан шакл ва мазмуни билан фарқ қилади. Бунга қўшимча қилиш мумкинки, кўриниш жанрининг ичида ҳам ғоявий-тематик мазмун ва структурасига кўра хилларга бўлиниш кузатилади. Масалан, сиёсий кўринишлар (таниқли жамоат арбобларининг портретлари), маиший (тирик табиат, инсон, жонсиз предметлар), мамлакатшунослик (мамлакат, шаҳар) ҳақида ва ҳикоя, мемуар ёки йўл қайдлари шаклига яқин кўринишлар. Адабиётшуносликка оид кўринишлар алоҳида эътибор ва таҳлил талаб қилади. Кўриниш жанрининг ривожини бир жойда тўхтаб қолмади, аксинча, тараққий этмоқда ва истиқболларга эга. Вақтли матбуот саҳифаларида бу жанрда яратилган асарларнинг мунтазам чоп этиб борилаётгани, катта авлод адиблари ижодиётига бўлган қизиқишнинг сусаймаганлиги — буларнинг барчаси кўринишнинг ҳинд насрининг ҳикоя, очерк сингари жанрларидан кам бўлмаган шухратидан далолат беради.

Машҳур ҳинд ёзувчиларининг бир нечта кўринишлари рус тилида ҳам чоп этилди. Хусусан, «При блеске дня, во мраке ночи» (1973) номли тўпلامда Мохан Ракешнинг «Дехли калейдоскопи» («Делийский калейдоскоп», Ражендра Ядавнинг «Тунги Калькутта» («Ночная Калькутта»), Амритраянинг «Бенарес бўйлаб саёҳат» («Прогулка по Бенаресу», Камлешварнинг «Аллоҳобод ҳақида хотиралар» («Воспоминание об Аллахабаде»), Кришан Чандарнинг «Сринагарда тун» («Ночь в Сринагаре») ва бошқа кўринишлар чоп этилган. Ҳинд адабиётшуноси Вишванатх Трипатхи кўриниш жанрн ҳақида гап кетганда, энг аввало, Махадеви Варма номини эсга олиш лозимлигини таъкидлайди. 1947 йилда адибанинг «Хотира чизиги» номли кўринишлар тўплами чоп этилган. Бундан сал илгарироқ, 1941 йилда эса унинг «Ўтмишнинг тирик манзаралари» номли тўплами нашрдан чиққан эди. «Муаллиф катта муҳаббат билан бебаҳра ва хўрланган инсонлар ҳақида кўринишлар яратди». 1965 йилда Шивапужан Сахайнинг «Ўша кунлар, ўша одамлар» номли кўринишлар тўплами чиқди. У.Ашк эса Мантога бағишланган кўринишлар ва хотиралар туркумини яратди.

Ҳиндий тилидаги кўринишлар ичида Пракашчандра Гупта, Рамврикша Бенипурининг ажойиб асарларини «Митти ки муртен» («Лой шаклчалар»), «Геху аор гулаб» («Бугдой ва



атиргул»); Удайшанкар Бхатта, Вишну Прабхакара, Упендранатх Ашк, Амрита Притамнинг асарларини эслаб ўтиш жоиз.

Кўриниш жанри мустақил жанр сифатида шакллангунга қадар жуда узоқ йўлни босиб ўтди. Бугунги кунда у ҳикоя ҳам, очерк ҳам эмас, балки ўз қонуниятлари асосида ва, албатта, ўзгариб бораётган замон, жамоатчилик ҳаётига монанд ривожланаётган қисқа ҳикоя, эссе ва бошқа жанрларга яқин алоҳида жанрдир.

А. Притамнинг йўл хотираларн, очерк, кўринишлардан иборат «Хотира» тўпламидан жой олган тўртта кўриниш таниқли ёзувчи, рассом, драматургларга бағишланган бўлиб, бизнинг назаримизда, муаллифнинг замондошларига муносабати орқали тўпламда кўтарилган асосий масалага жавоб беришга ёрдам беради. «Қора чизиқ» (ёзувчи Манто ҳақида), «Гул сотувчи» (адабиётшунос П. Теджасингх ҳақида), «Совуқ қўлқоп» (драматург Картар Сингх Дуггал ҳақида), «Рассом Собха Сингх» (хайкалтарош ҳақида) кўринишларида унинг ижодий фикрловчи, воқеликни ўзининг иши ва сўзи билан ўзгартиришга интилаётган шахсларга инсон ва фуқаро сифатидаги қизиқишлари мужассамлашган.

А.Притам рикшалар, кичик савдогарлар, ўғрилар, «обрўсизланган»лар ёзувчиси ҳисобланган Мантонинг ўлими ҳақида чуқур изтироб ва қайғу билан ёзади. На ёмғир, на вақт шамоли унинг ўлмас истеъдодини ювиб кетолмайди. «Ва Мантонинг исми атрофидаги сунъий кадриятларнинг қора рамкаси ювилади ва адабиётшуносимизнинг юзи янада ёришиб кетади» — деб ёзади шоира.

Панжоблик ёзувчи Балвант Гаргининг асарлари нафақат ёзувчининг ижодий мероси, балки МДХ мамлакатлари — Россия ва Ўзбекистонда ҳам машҳур эди. Шоира уни нафақат ёзувчи, балки шахс, дўст сифатидаги хислатлари ҳақида гапира туриб унинг энг севимли машғулоти — ёзиш энг яқин дўстликдан ҳам қадрли эканлигига алоҳида урғу беради. Ёзиш ёки дўстликни узиш: агар иккисидан бирини танлашга тўғри келса, у биринчисини танлаган бўларди.

Пьесалари замонавий муаммоли драматургия намунаси бўлган Картар Сингх Дуггал шахси ҳам жуда қизиқарли. А. Притам унга хос бўлган муросасизлик ҳақида гапира туриб, шундай дейди: «Узоқ йиллик дўстлик мобайнида у гўёки ўзидан совуқ қўлқопни ечмайди, бироқ дўстининг бошига қийинчилик тушса у меҳрибон ва майин қўлини чўзади» .

А. Притамнинг «Собха Сингх» шеърида хайкалтарош ва рассом Собха Сингх ҳақида ҳам шундай илиқ мулоҳазалар билдирилади. Шоира ҳайрат билан эмас, балки ғамхўрлик — ташвишли севган замондошлари, касбдошлари ҳақида ўта эҳтиёткорлик, аниқ ишонч туйғулари ва назокат билан ёзади ҳамда уларни юқори ишчанлик ва ахлоқий сифатларини замонавийликнинг муносиб «тирғаги» бўлиши учун асраб-авайлаш ва бўрттиришга ҳаракат қилади.

Бу қисмдаги навбатдаги «Ёр билан алоқа» номли кўринишда А. Притам тўпламнинг бошида қўйилган шоир ерда катъий турмоқлиги асл шеъриятнинг чуқур илдизларини, манбаларини излаши борасидаги саволларни қўйишда давом этди. Ва бу А. Притамни бир неча бор фольклор мотивларга мурожаат этишга мажбур қилди. Бежиз Кхушвант Сингх А. Притам ижодиётини бевосита фольклор билан боғлиқлигига эътибор қаратмади. Орисса ерида бўлган учрашувлар ҳақида ҳикоя қилар экан, А. Притам бу ерда ўтказиладиган мушоираларда турли тилларда шеърлар айтилиши, бироқ тилларнинг ҳар хиллиги тўсиқ бўлолмаслиги ҳақида сўзлайди: «Биз бу тўсиқдан босиб ўтганимиздан сўнг амин бўлдикки, нариги томонда ҳам юраклар бизникидек урар экан». Эътиборлиси шундаки, бу турли тилларда янграган шеърларни кўрингки, уларнинг тубида олийжаноб ғоя — ёруғ, умидбахш эртанги кунга ишонч, қаламқаш биродарларимизни халқнинг эҳтиёжлари ҳақида ёзишга ундаш, «келажак элчиси» бўлиш учун нимаики лозим бўлса, бажаришдек ягона ғоя бирлаштириб турарди.



Шеърлари тинглаб, мунозараларда иштирок этиб, А. Притам ўз ижодиётининг мағзини (туб ўзағини) ташкил қилган саволни беради, яъни у эстетик-психологик планда ижодкор шахсиятининг у яратган асар билан мувофиқлиги даражасини аниқлашга ҳаракат қилади. Шу тариқа А. Притам ўз диққат марказига замонавий санъатшуносликда ўта кескин ва мунозарали бўлган муаллифнинг ўз фикри (ғояси, дунёқараши)ни ифодалаши муаммосини кўйди. Ҳар қандай дунёқараш ҳам ижод бўлавермайди. Бу муаммони кўяр экан, А. Притам шоир — бу жамият олдида катта масъулият олган ижодкор ва шу билан бир вақтда у шахсий «мен»ига чуқурлашиш эканлигини бир неча бор таъкидлайди. Ҳар қандай асар — бу муаллифнинг очилган юраги. Бу муаллифнинг оламга тухфаси. Асосийси — бу ҳаётдан туғилган туйғу дея таъкидлайди А.Притам: «Агар ҳаёт ўт (олов)ини қонига сингдирмаса, муаллиф ўз юрак оловини етказиб бера олмайди» .

Бу бўлимдаги кўриниш шакли муаллифни адабиёт назарияси масалаларидан алоҳида ёзувчилар портретига, ижод жараёнининг алоҳида жиҳатлари таҳлилидан ўзининг шахсий таассуротларини ҳикоя қилишга ўтиш, ўз фикрларига исбот топиш имконини беради. Битта кўринишда кўтарилган масалалар бошқаларида кўриб чиқилади. Бироқ бу кўринишлар биров шошилиб ёзилган, исмлар ва тўртликлар билан ҳаддан ортиқ тўлдирилган бўлса-да, ўзининг кўриниш-очерк, кўриниш-портрет, кўриниш-мушоҳада каби шакллари билан қизиқиш уйғотади.

А. Притам ўзи учун ноодатий бўлган бадий ҳодисаларни тушуниш, уларда у ёки бу мамлакатга хос бўлган ўзига хосликларни, маданий анъаналарнинг хусусиятларини кўришга ҳаракат қилади. Шоира, алоҳида эътибор билан ижодий изланишларнинг моҳиятини англаб етишга интилади. 70–90-йилларнинг охирларида А. Притам романлар устида ишласа-да, кўпроқ мақола, очерк, кўринишлар ёзди, аммо шоиралигича қолди. Унинг ижодида ҳозирги замон жаҳон адабий жараёнларига хос долзарб муаммоларга, ҳаққонийликка, ҳужжатлиликка интилиш кучайди ва бу ўз навбатида, шоира ижодида реализмнинг барқарорлашувига олиб келди.

XX асрнинг охири ва XXI аср бошлари А. Притам ижодий биографияси шу билан белгиланадики, бу даврда унинг мақолалар, очерклар, хотиралар, интервью ва кўринишлардан ташкил топган ўндан ортиқ тўпламлари бирин-кетин дунё юзини кўрди.

А. Притам бошқа илғор ёзувчилар сингари тобора оммалашиб бораётган кичик насрий жанр — кўринишга мурожаат қилади.

«Сабрли туя» (2001), «Лайли ва Мажнун мотивлари асосида» (2001), «Адабиёт, дин, маданият масалалари» (2001), «Шафакнинг алвон ранги» (2001) — мақолалар, қайдлар, кўринишлар, очерклар жамланган бўлиб, буларни шахсий жавобгарлик ва синовнинг публицистик насри деб атаса бўлади, негаки, уларда муаллиф ҳаётий ҳатти-ҳаракатининг моҳияти ҳақида ва айнан шундай яшаганлиги учун ўзининг олдида, вақт олдидаги жавобгарлиги ҳақида ҳамда бундай жавобгарликни ҳис қилиш уни қандай фикрлар, туйғулар, ҳатти-ҳаракатларга ундаши ҳақидаги масалаларни кўяди.

